

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИ АТРОФ - МУҲИТГА МАСЪУЛЛИК МУНОСАБАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, БУГУНГИ КУННИНГ МУХУМ МАСАЛАЛАРИДАНДИР.

Рўзиева Назира Ёдгоровна.

Термиз муҳандислик технология институти ўқитувчиси.

Аннотатсия Мактаб ўқувчиларини атроф - муҳитга масъуллиқ муносабатини шакллантириш бугунги куннинг муҳум масалаларидандир ўқувчиларни экологик тарбиялаш жараёнини ривожлантиришга экологик маданият, экологик билим, экологик саводхонлик, экологик таълим бериш ёш авлодни маънавий - ахлоқий ва экологик миллий руҳда тарбиялаш ва яхши хислатларни таркиб топтириш ҳақида баён қилинган.

Калит сўзлар: Экологик таълим, экологик тарбия, экологик онгни шакллантириш, маънавий - ахлоқий тарбия, табиатга муҳаббат, табиий ресурслар, жисмоний, меҳнат тарбияси. атроф – муҳит, Яшил макон.

Криш қисми Ўзбекистон Республикаси экология ва табиатни муҳофаза қилиш муаммоларининг долзарблиги педагогика фани ва мактаблар олдидаги муҳим вазифа - табиатни муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш ва табиий ресурсларидан оқилона фойдаланишни биладиган ёш авлодни тарбиялаш масаласини кўндаланг қўймоқда, Бу мураккаб масала мактаб ўқувчилари томонидан инсон ва табиатни ўзаро алоқадорлигининг илмий асослари тўла эгалланган пайтдагина ижобий ҳал қилиниши мумкин, Ҳозирга замон педагог олимлари экологик таълим ва тарбиянинг мақсади мактаб ўқувчиларида атроф - муҳитга масъуллиқ муносабатини таркиб топтиришни таъминловчи илмий билим, қараш ва эътиқодлар тизимини шакллантиришдан иборатдир.

Экологик тарбия - бу инсонни табиатга қадам қўйган вақтдан бошлаб, бутун ҳаёти давомида табиатдан онгли равишда фойдаланишга, психологик, ахлоқодоб юзасидан халқимизнинг табиатга ҳурмат ва эътибор билан қарайдиган ота - боболаримизнинг одатларини, удумларини тарбиялаб бориш табиий бойликларни кўпайтириш, боғу роғлар, гулзорлар ташкил қилишга ундашдан, унинг қалбида яхши хислатлар уйғотишдан иборатдир . Экологик тушунча инсонда табиатга атроф-муҳитга меҳр уйғотиш, тежамкорлик хусусиятларини шакллантиришга қаратилган табиатни муҳофаза қилиш, уни авайлаб асраш туйғуларини инсон тафаккурида

шакллантиришдан иборат. Шунингдек, экологик тарбиялаш жараёнида ўқувчиларга табиат бойликларини тежаб-тергашга, табиатни муҳофаза қилишга даъват этади. Экологик таълим-тарбиянинг асосий мақсади жамият кишиларини экологик жиҳатдан саводхонлигини, маданиятини ошириш, табиатни муҳофаза қилиш, озода-тоза сақлаш, ҳайвонот оламига, ўсимликларга меҳр уйғотиш орқали табиат неъматларини парваришлашдан иборат бўлади. Бугунги экологик таълим тизимида долзарб муаммо бу мамлакатда узлуксиз экологик таълим моделига амал қилиш натижасида ягона табиат ва жамиятдаги ўзаро уйғунлик, бирлик имкониятларини шакллантиришдир.

Тирик мавжудотларни ўраб олган нарса атроф-муҳит. Ана шу атроф-муҳитни тоза сақлаб, уни муҳофаза қилиш ҳар бир инсоннинг бурчи эканлигини биз ўқувчиларга шакиллантириб боришимиз зарурдир. Агар биз табиат олдидаги бурчимизни унутсак, табиатга зиён етказамиз. Табиатдан фойдаланишда одамларнинг йўл қўйган зиёнлари, албатта, ўз жавобини қайтаради. Яъни сонсаноксиз экологик муаммоларни юзага келтиради. Бу муаммолар олдида ҳар бир инсон ўз жавобгарлигини ҳис қилган ҳолда табиатни асраб-авайлаши лозим Табиат билан инсон ўртасидаги муносабатнинг бузилиши экологик муаммоларни юзага келтирди. Яъни инсон табиатга зиён етказса, уни муҳофаза қилмаса, табиатда экологик занжирлар бузилиб кетади. Ўсимликлар билан ҳайвонларнинг биргаликда яшайдиган гуруҳлари экологик занжирни ҳосил қилади. Табиатда бундай экологик занжирлар ҳамма жойда бор. Агар экологик занжир бузилса, табиат экологик ҳалокат қуршовида қолади. Инсон она-табиатнинг бир бўлаги бўлиб, жонли ва жонсиз табиатни муҳофаза қилиши ва экологик муаммолар олдини олиши шарт.

Экологик муаммолар ечимини биргаликда излашни унутмаслик керак. Ҳозирги ёшларнинг вояга етиш вақтида жамият ҳаёти, бутун ер тақдири учун жавобгарлик ва масъулик ҳиссини сингдирган ҳолда таълим-тарбияни ташкил етиш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун уларда табиатга муҳаббат, барча тирик мавжудотларга ҳурмат, ўзларининг табиатдаги хулқ-атворининг оқибатларини олдиндан кўра билиш қобилиятини шакллантириш жуда муҳимдир.

Табиат билан мулоқот ўқувчиларда эмоционал акс садони уйғотади. **Болалар яшил майсаларга, қушларнинг сайрашига, капалак парвозига, ўсимликларнинг ранг-баранглигига маҳлиё бўлади.** Болалар табиатга шавқатсиз муносабатда (қуртқумурсқаларни ўлдириш ,

жонворларни қийнаш, қуш уяларини бузиш, майсаларни пайҳон қилиш каби) бўлмасликка ўргатилади. Болаларга атроф-муҳит билан танишиш бўйича биринчи дарслардан бошлаб мақсадга мувофиқ саёҳатда ота-оналар қандай ишлар билан бандлиги, ишлаб чиқараётган маҳсулотлари билан яқиндан танишадилар. Юртимизнинг тарихи, табиати, одамларнинг ҳўжлик фаолиятининг хусусиятлари билан танишадилар. Ердан, сув хавзаларидан фойдаланиш, уларни келажак авлодга сақлаб етказиш тадбирлари ҳақида ўрганадилар. Болаларни мактабни, маҳаллани, қишлоқни кўкаламзорлаштириш, хиёбон, сув хавзаларипни тоза тутиш ҳайвонот оламига ғамхўрлик кўрсатиш ишларига жалб этиш, олган билимларини ҳаёт билан боғлашни ўргатиш ўқитувчи ва тарбиячиларнинг долзарб вазифасидир.

Ўқувчиларни табиат билан яқиндан таништириш содир бўлаётган турли хил экологик ҳодисалардан воқиф қилиш бугунги кунда педагогика назарияси ва амалиётида, мактаб таълимда муҳим йўналишга айланмоқда. Шахснинг ахлоқий ривожланишида табиат билан мулоқотда бўлиши катта аҳамият касб этади. Она табиатга меҳр қўйиш, унинг барча бойликларини асраш, муҳофаза қилиш экологик тушунчалар шаклланишига туртки бўлади. Ўқувчида экологик тарбияга оид тушунчаларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

1. Табиат ҳақидаги билимларни ўзлаштириш хусусияти.
2. Экологик тарбияга оид тушунчалар мазмуни, шакли ва ҳажмининг аниқлик хусусияти.
3. Ўқитувчининг ўқувчида экологик тарбияга оид тушунчаларни шакллантиришда педагогик маҳоратга эгалик хусусияти.
4. Ўқувчида экологик тарбияга оид тушунчаларни шакллантириш даврлари, ўзлаштириш даражалари ҳамда қизиқувчанлик хусусияти.
5. Экологик таълим - тарбия узвийлиги.
6. Экологик ва педагогик омилларнинг ўзаро алоқадорлик хусусияти.

Ўқувчида экологик тарбияга оид тушунчаларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари талаблар асосида аниқланади.

- а) ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ўрганиш;
- б) ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро муносабатлари асосида экологик тарбияга оид тушунчаларни шакллантириш учун муҳит яратиш;
- в) фанлараро экологик тарбияга оид материаллардан фойдаланиш.

Биз ўқиш, она тили, одобнома, тарбия дарсларида ўқувчиларда

ахлоқий сифатларни шакллантиришда халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланамиз, бироқ табиатни таништириш унга ахлоқий, маданий жиҳатдан муносабатда бўлишда бу бой меросимиздан деярли фойдаланмаймиз. Ўқувчи ёшларнинг нафақат нутқини ўстириш, ёки дунёқарашини ошириши зарурдир, балки жамият ва табиат ҳодисаларига онгли муносабатини шакллантиришга ундайди. Шундай экан биз болаларни экологик тарбиялашда “Табиий фанлар” дарслигининг мазмундорлигини бойитиш мақсадида дарсликларда фақатгина жонли ва жонсиз табиатни, коинотни, ўсимликлар ва ҳайвонот оламини назарий жиҳатдан ўргатиш дастурлаштирилган. Шунинг учун ҳам ўқувчилар фақатгина уларни назарий жиҳатдан ўрганадилар. 5-6 синф ўқувчиларида экологик тарбияга оид тушунчаларни фанлараро шакллантириш лозимдир.

Хулоса Ўқувчиларни табиат билан яқиндан таништириш содир бўлаётган турли хил экологик ҳодисалардан воқиф қилиш бугунги кунда педагогика назарияси ва амалиётида, мактаб таълимда муҳим йўналишга айланмоқда. Шундай экан ҳозирги ёшларнинг вояга етиш вақтида жамият ҳаёти, бутун ер тақдири учун жавобгарлик ва масъулик ҳиссини сингдирган ҳолда таълим-тарбияни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

ADABIYOTLAR RO`YXATI:

- 1.To'lanovna, A. M., & Maxammadjonovna, M. G. (2021). Ekologik ta'lim va tarbiyada xorijiy tajriba.
- 2.Usmonov B.Sh., Raximov F.X., Dusmuxamedova M.X. "Ta'lim, fan va ishlab chiqarish innovatsion korpoorativ hamkorlik. Ilmiy-uslubiy qo'llanma. Toshkent. "Adabiyot uchqunlari" nashriyoti, 2017 y
- 3..Jo'raev N. "Avesto mo'jizasi" Toshkent. G'ofur G'ulom nomidagi nashr-matbaa ijodiy uyi. 2013.
- 4..Shodimetov. Yu. Ijtimoiy ekologiya. (darslik). Toshkent. 2003 y.
- 5.Nazarov M. Ekologiya fanidan xorijiy mamlakatlarda olib borilayotgan yangi texnologik va pedagogik texnologiyalar. (Malaka oshiruvchilar uchun) Farg'ona davlat universiteti qoshidagi kadrlar malakasini oshirish bo'limi) Farg'ona. 2018 yil.